

**Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик
назоратини олиб бориш бўйича
ШАРТНОМА №34/62**

2022 йил “17“ноябр

Бухоро шахри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг компанияси” УК Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи Д.Рўзиев, бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган "SUVOQAVALOYINA" МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи Р.Х.Шарипов, иккинчи томондан, ҳудудий бошқарманинг 18.03.2022 йил №18-и/ч-сонли буйруғига асосан ташкил этилган Танлов комиссиянинг №_178657-сонли лот бўйича “_15_”_11_2022 йил №_24/22_-сонли йигилиш баёнига асосан қўйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар;

I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Бухоро вилояти Шоғиркон туман "Жушура" МФЙ ҳудудидаги ахоли пунктларида ичимлик сув тармоқларини тортиш обьектининг лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш(топосёмка, экспертиза, АПЗ) ва қурилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига мазкур ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни (нуксон далолатномаси, техник шартлар ва х.к.) тақдим этиш, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.**

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома умумий қиймати танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг “_15_”_11_2022 йил №_24/22_-сонли йигилиш баёнига асосан барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **39 790 000** (ўттиз тўққиз миллион етти юз тўқсан минг) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-иш хажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, холат тўғрисида уч кунлик муддат ичida Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан маҳфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёrlарга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида мунтазам равишда ахборот тақдим қилиш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

III. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **5 (беш) кунни** ташкил этади, қурилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш ишлари эса мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланувчи №1-иловага асосан амалга оширилади.

V. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдорида, яъни **11 937 000** (*ўн бир миллион тўққиз юз ўттиз етти минг*) сўм бўнак пул маблағини ўтказади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматининг қолган кисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлари шартнома бўйича барча ишлар тўлиқ бажарилган ва белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг тўлиқ хажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кўриладиган чораларни муҳокама қиласилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

23. Бажарувчи мазкур шартномага асосан ўз зиммасига олган лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ва қурилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартнома талабларини бузган томон иккинчи томондан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низоли масалалар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади. Низолар музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда даъвогар жойлашган туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, томонлар ўртасида мазкур шартномага тегишли бўлган барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилга қадар, мажбуриятларни бажариш қисми бўйича эса мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар.


XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари


БЮОРТМАЧИ:


“СТОСОҚБ ИК” УК Бухоро вилоят
худудий бошқармаси

Адрес: Бухоро ш. Б.Накшбанд куч. 299
Х/р _____
ИНН 305 975 413 ОКЭД 42210
Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси
Газн.х/р 2340 2000 3001 0000 1010
МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО 00014
ИНН каз.под. 201 122 919
Тел. (065) 222 74 13

Рахбар:  Д.Рўзиев

Иқтисод бўйича муовин 

Бош ҳисобчи 


Хуқуқшунос 


Маркетинг 

БАЖАРУВЧИ:

МЧЖ "SUVOQAVALOYIHA "

Манзил: Бухоро Ш. К.Муртазоев №3
Х/Р: 20208000105100809002
Капитал банк Бухаро вилоят филиали
МФО: 01082, ИНН 306133161
Тел: +99893 426-00-72; 97-300-94-93



Рахбар: 

Р.Х.Шарипов

2022 йил “ ” ноябр №____ сонли
Шартноманинг №1-иловаси

Бухоро вилояти Шоғиркон туман "Жушура" МФЙ ҳудудидаги аҳоли пунктларида ичимлик сув тармокларини тортиш обьектида (топосёмка, экспертиза, АПЗ) курилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш

ЖАДВАЛИ

№	ФИО, лавозими	Муаллифлик назоратини амалга ошириш (кунларда)						Жами	
		2022 йил							
		ноябр	декабр						
1	Шарипов Р.-ГИП	4	4					8	
2	Шарипов Р.- ВК	4	4					8	

БУЮРТМАЧИ:

“СТОСОҚБ ИК” УК Бухоро вилоят
худудий бошқармаси



Рахбар:

Д.Рўзиев

БАЖАРУВЧИ:

МЧЖ "SUVOQAVALOYIHA"



Рахбар:

Р.Х.Шарипов

6. Буюртмачини Муаллифлик назоратини амалга ошириш (кунларда) чиб
мебудучотидан мегидум келишини ва Буюртмачини руҳистона узакчи шахсарни бермадиги
мебудучотидан мегидум келишини ишни сифате Бахорини, сурхарорини борча яхши таҳсисланган
иёлчоний таҳсисчига за номберга. Узбекистон Республикаси ғончалигини Бахориниң конунишга
дикоюнга оғизди очсанда сакаришти.

7. Буюртмачини Бахориниң баъзе курсатмаларни бахаридиги ва
бозорчалигини яхши таҳсисланган мунтазам равиятда ахборот тақдим килини.

8. Бахориниң таҳсисчига сабаби худудидаги экспертиза организаторида яхши таҳсисланган
иёлчоний таҳсисчига яхши таҳсисланган тутубатни ташнидиги сипадиги қабул юзиди үзинни
тапшитни.

9. Шартнома тақдиметига курба овоне берни ва жорий молиянатиришни амалга
одирдиги.

10. Ишларни бахаридиги муддоти.

11. Бахориниң таҳсисчига шартномага муваффақ боричиган давом тушган кундан башлаб
нишарин бахаридига киришади.